



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2020 yil «15» декабрь

№ ПҚ-4922

Ўзбекистон Республикасининг БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти, БМТ Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси ҳамда БМТ Бутунжаҳон озиқ-овқат дастури билан ҳамкорлигини кенгайтириш ва чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (кейинги ўринларда – ФАО), БМТ Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси (кейинги ўринларда – ҚХРХЖ) ҳамда БМТ Бутунжаҳон озиқ-овқат дастури (кейинги ўринларда – БООД) билан ҳамкорликда агросаноат мажмуини ривожлантириш ва модернизация қилиш, таркибий ўзгартиришларни самарали амалга ошириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатларни кучайтириш, шунингдек, Рим шаҳрида (Италия) жойлашган ушбу ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган ресурс салоҳиятини ва натижадорликни янада ошириш мақсадида:

1. 2020 йил 2-4 ноябрь кунлари бўлиб ўтган ФАОнинг Европа учун 32-Минтақавий конференциясида (кейинги ўринларда – Минтақавий конференция) Ўзбекистон Республикаси икки йил муддатга ушбу Минтақавий конференциянинг раиси этиб сайлангани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар ФАО, ҚХРХЖ ва БООД билан ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтиришнинг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

Минтақавий конференцияда мамлакат манфаатларини илгари суриш, раислик доирасида қабул қилинган барча қарорларнинг самарали амалга оширилишини таъминлаш, мазкур халқаро тузилмалар билан Ўзбекистон ўртасидаги амалий ҳамкорлик режаларини рўёбга чиқариш;

Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида жаҳоннинг энг илғор тажриба ва кўникмалари, билим ва инновацияларини жорий этиш учун Минтақавий конференциянинг иштирокчи-мамлакатлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ хўжалиги соҳаси барқарор ўсишини ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ютуқларини халқаро ҳамжамиятга етказиш;

ФАО, ҚХРХЖ ва БООД доирасида мамлакатнинг аграр ва озиқ-овқат сиёсатини самарали амалга ошириш бўйича туб манфаатлари ва позициясини илгари суриш, шунингдек, уларнинг салоҳиятидан ихтисослашган глобал жамғармалар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни чуқурлаштиришда кенг фойдаланиш;

Ўзбекистон аҳолисининг овқатланиш сифатини яхшилаш ва турмуш даражасини юксалтириш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлаш, шунингдек, соҳада илғор технологияларни жорий этиш мақсадида ФАО, ҚХРХЖ ва БООДнинг грант, молиявий-техник ва эксперт кўмагини жалб этиш орқали миллий стратегиялар, дастурлар ва лойиҳалар ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

ФАО, ҚХРХЖ ва БООД билан доимий алоқалар олиб бориш, юқори даражадаги ва эксперт ҳамжамиятларининг ўзаро ташрифлар алмашувини амалга ошириш, томонлар ўтказадиган халқаро тадбирларда иштирок этиш ҳамда улар билан конструктив мулоқотни мустаҳкамлаш.

3. Ўзбекистон Республикасининг Италия Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси ўриндошлик асосида Ўзбекистоннинг ФАО, ҚХРХЖ ва БООД ҳузуридаги Доимий вакили этиб тайинлансин ҳамда унга Ўзбекистоннинг ФАО, ҚХРХЖ ва БООД билан ўзаро ҳамкорлигига доир барча масалаларни мувофиқлаштириш вазифаси юклатилсин.

4. Ўзбекистон Республикасининг Италия Республикасидаги Элчихонаси (кейинги ўринларда – Элчихона) штат жадвалига, меҳнатга ҳақ тўлаш фонди тегишлича ўзгартирилган ҳолда, маслаҳатчи – Ўзбекистоннинг ФАО, ҚХРХЖ ва БООД ҳузуридаги Доимий вакили ўринбосари лавозими киритилсин ҳамда унга ФАО, ҚХРХЖ ва БООД билан тизимли амалий ҳамкорликни ривожлантириш бўйича мажбуриятлар юклатилсин.

5. Элчихонанинг маслаҳатчи лавозими Элчихонанинг савдо-иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчиси лавозимига ўзгартирилсин.

6. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикасининг Италия Республикасидаги Элчихонаси штат жадвали 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасининг БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти, БМТ Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси ҳамда БМТ Бутунжаҳон озиқ-овқат дастури билан ҳамкорлигини кенгайтириш ҳамда ФАОнинг Европа учун 32-Минтақавий конференциясида Ўзбекистон Республикасининг муваффақиятли раислик қилишини таъминлаш бўйича “Йўл харитаси” 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ташқи ишлар вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда ҳар ярим йилда бир марта “Йўл харитаси”нинг ижроси ҳолати таҳлилини Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиб борсин.

7. Молия вазирлиги қўшимча битта енгил автомобилни сақлаш учун Элчихонага лимит ажратсин.

8. Ташқи ишлар вазирлиги:

Элчихона штат жадвалидаги ўзгартиришларни инобатга олган ҳолда, Элчихонани сақлаб туриш бўйича 2020 йилга мўлжалланган харажатлар сметасига тегишли ўзгартиришлар киритсин;

қўшимча штат бирлигини киритиш ва енгил автомобиль харид қилиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштиришни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлардаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларини сақлаб туриш учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан ва уларнинг доирасида амалга оширсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 2 апрелдаги “Италия Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Элчихонасини очиш тўғрисида”ги 143-сон қарорининг 1-иловаси ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**



Ш.Мирзиёев

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2020 йил 15 декабрдаги ПҚ-4922-сон қарорига
1-илова

Ўзбекистон Республикасининг Италия Республикасидаги Элчихонаси ШТАТ ЖАДВАЛИ

(АҚШ доллариди)

Т/р	Лавозим	Штат бирликлари сони	Элчининг маошига нисбатан ходимнинг маоши, фоизларда (3 000)	Ойлик маош	Йиллик иш ҳақи фонди
Дипломатик таркиб					
1.	Элчи	1	100	3 000	36 000
2.	Савдо-иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчи	1	85	2 550	30 600
3.	Маслаҳатчи – Ўзбекистоннинг ФАО, ҚХРХЖ ва БООД хузуридаги Доимий вакили ўринбосари	1	85	2 550	30 600
4.	Биринчи котиб	1	75	2 250	27 000
Ҳаммаси:		4		10 350	124 200
Маъмурий-техник таркиб					
1.	Катта бухгалтер	1	65	1 950	23 400
2.	Хўжалик мудир, ғазначи ва ҳайдовчи-механик	1	50	1 500	18 000
3.	Маҳаллий аҳоли ёки ишчиларнинг оила аъзолари орасидан ёлланадиган ходимлар (иш юритувчи котиб, кўриқчи, фаррош, ҳайдовчи ва бошқалар)			3 000	36 000
Жами:		2		6 450	77 400
Ҳаммаси:		6		16 800	201 600

**Ўзбекистон Республикасининг БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти, БМТ Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси ҳамда БМТ Бутунжаҳон озиқ-овқат дастури билан ҳамкорлигини кенгайтириш ҳамда ФАОнинг Европа учун 32-Минтақавий конференциясида Ўзбекистон Республикасининг муваффақиятли раислик қилишини таъминлаш бўйича
“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”**

Т/р	Тадбирлар	Амалга ошириш механизмлари	Ижро муддатлари	Масъул ижрочилар
1.	ФАОнинг Европа бўйича 32-Минтақавий конференцияси (ЕМК) доирасида самарали раислик қилиш ва мамлакат манфаатларини илгари суриш барча масалаларини мувофиқлаштириш.	1. Будапешт шаҳридаги ЕМК Котибияти билан Ўзбекистон Республикаси раислиги доирасидаги ишларни муҳокама қилиш. 2. ЕМК Раисига конференциянинг 32-сессияси давомида қабул қилинган қарорларнинг бажарилишида кўмаклашиш. 3. Энг яхши тажрибалар, билимлар ва инновацияларни қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш йўлида трансфер қилишда ЕМК иштирокчи-мамлакатлари билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатиш.	2021 йил январь доимий доимий	Ўзбекистон Республикасининг Италиядаги Элчихонаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги

Т/р	Тадбирлар	Амалга ошириш механизмлари	Ижро мuddатлари	Масъул ижрочилар
2.	<p>ФАОнинг Европа бўйича Минтақавий конференциясининг (ЕМК) сессиялар оралиғидаги йиғилишларида Ўзбекистон Республикаси раислиги доирасида Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг иштирокини таъминлаш.</p>	<p>1. ЕМК Котибияти билан тадбирлар жадвали ва муҳокамалар кун тартибини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. ЕМК Раисига тегишли материаллар ва хужжатларни тайёрлаш.</p> <p>3. Тадбирларда иштирок этиш.</p>	<p>2021 йил январь</p> <p>жадвалга мувофиқ</p> <p>жадвалга мувофиқ</p>	<p>Ўзбекистон Республикасининг Италиядаги Элчихонаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги</p>
3.	<p>Донор-мамлакатларнинг ФАО, ҚХРХЖ, БООД доимий вакиллари билан манзилли ишлашни таъминлаш.</p>	<p>1. Ҳамкорлик ва иш юзасидан алоқалар ўрнатиш.</p> <p>2. Қўшма лойиҳаларни муҳокама қилиш ва ишлаб чиқиш.</p> <p>3. Ишлаб чиқиладиган лойиҳаларни Ўзбекистоннинг алоқадор вазирлик ва идораларига кўриб чиқиш учун киритиш.</p>	<p>2021 йил I ярим йиллик</p> <p>доимий</p> <p>доимий</p>	<p>Ўзбекистон Республикасининг Италиядаги Элчихонаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, алоқадор вазирлик ва идоралар</p>
4.	<p>Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳасидаги халқаро ва минтақавий ташаббусларда Ўзбекистон Республикаси иштирокини фаоллаштириш.</p>	<p>1. ФАО, ҚХРХЖ, БООД томонидан амалга оширилаётган минтақавий ва глобал конвенциялар, битимлар ҳамда ташаббусларни ўрганиш ва баҳолаш.</p> <p>2. Ўзбекистон Республикасининг иштироки бўйича белгиланган тартибда таклифлар киритиш.</p> <p>3. Қабул қилинган қарорларнинг самарали амалга оширилишини мувофиқлаштириш.</p>	<p>2021 йил I ярим йиллик</p> <p>доимий</p> <p>доимий</p>	<p>Ўзбекистон Республикасининг Италиядаги Элчихонаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, алоқадор вазирлик ва идоралар</p>

Т/р	Тадбирлар	Амалга ошириш механизмлари	Ижро мuddатлари	Масъул ижрочилар
5.	Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш учун ФАО хузуридаги Бутунжаҳон озиқ-овқат хавфсизлиги қўмитаси (БОХҚ) билан ҳамкорликни йўлга қўйиш.	<p>1. Ҳамкорлик ва иш юзасидан алоқалар ўрнатиш.</p> <p>2. Ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларини муҳокама қилиш ва ишлаб чиқиш.</p> <p>3. Ишлаб чиқиладиган лойиҳалар ва ташаббусларни Ўзбекистоннинг алоқадор вазирлик ва идораларига кўриб чиқиш учун киритиш.</p>	<p>2021 йил март</p> <p>2021 йил I ярим йиллик</p> <p>мунтазам</p>	Ўзбекистон Республикасининг Италиядаги Элчихонаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, алоқадор вазирлик ва идоралар
6.	Бутунжаҳон озиқ-овқат дастури (БООД) билан ҳамкорликни йўлга қўйиш.	<p>1. Ҳамкорлик ва иш юзасидан алоқалар ўрнатиш.</p> <p>2. Мамлакат ҳадли дастурини ишлаб чиқиш ва келишиш.</p> <p>3. Ҳужжатни имзолаш.</p>	<p>2021 йил I чорак</p> <p>2021 йил декабрь</p> <p>2022 йил I ярим йиллик</p>	Ўзбекистон Республикасининг Италиядаги Элчихонаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, алоқадор вазирлик ва идоралар
7.	ФАО ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида 2021–2025 йилларга мўлжалланган Мамлакат ҳадли дастурини қабул қилиш.	<p>1. Ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва ФАО билан келишиш.</p> <p>2. 2021–2025 йилларга мўлжалланган Мамлакат ҳадли дастурини имзолаш.</p> <p>3. Дастурнинг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш.</p>	<p>2020 йил декабрь</p> <p>2021 йил январь</p> <p>доимий</p>	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси,

Т/р	Тадбирлар	Амалга ошириш механизмлари	Ижро муддатлари	Масъул ижрочилар
				“Ўзбекбалиқсаноат” уюшмаси, алоқадор вазирлик ва идоралар
8.	ФАОнинг “Қўлга қўл” ташаббусида Ўзбекистоннинг иштирок этиши.	<p>1. ФАО билан ташаббусни амалга ошириш бўйича қўшма ҳадли битимни имзолаш.</p> <p>2. Ташаббусни амалга ошириш ва Геомакон маълумотлар платформасини тўлдириш бўйича идоралараро эксперт Ишчи гуруҳини тузиш.</p> <p>3. “Қўлга қўл” ташаббуси доирасидаги ишларнинг устувор йўналишларни белгилаш учун ФАО билан биргаликда кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш.</p> <p>4. Натижаларнинг базавий жиҳатдан баҳолари билан бирга илк маърузани эълон қилиш.</p>	<p>2020 йил 20 декабрь</p> <p>2021 йил 30 январь</p> <p>2021 йил 15 июнь</p> <p>2023 йил</p>	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, алоқадор вазирлик ва идоралар
9.	ФАО, ҚХРХЖ, БООД билан биргаликдаги қўшма лойиҳаларни амалга ошириб боришнинг мониторингини таъминлаш.	<p>1. Амалга оширилаётган лойиҳалар ижросини таҳлил қилиш.</p> <p>2. Эришилган натижаларни алоқадор вазирлик ва идоралар билан бирга муҳокама қилиш.</p> <p>3. Жорий ва ишлаб чиқиляётган лойиҳалар самарадорлигини ошириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш.</p>	<p>2021 йил I ярим йиллик</p> <p>2021 йил июль</p> <p>2021 йил сентябрь</p>	Ўзбекистон Республикасининг Италиядаги Элчихонаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, алоқадор вазирлик ва идоралар

Т/р	Тадбирлар	Амалга ошириш механизмлари	Ижро муддатлари	Масъул ижрочилар
10.	Махсус глобал жамғармаларнинг (“Яшил иқлим жамғармаси”, “Глобал экология жамғармаси”, “Адаптация жамғармаси”, “Халқаро иқлим ташаббуси”) молиявий ва техник кўмагини жалб қилиш учун ФАО, ҚХРХЖ, БООД билан ҳамкорлик қилиш.	1. Аниқ лойиҳа таклифларини ишлаб чиқиш. 2. Лойиҳа ҳужжатларини кўриб чиқиш учун Жамғармаларга киритиш. 3. Ишлаб чиқиладиган лойиҳаларни белгиланган тартибда тасдиқлаш.	2021 йил сентябрь 2021 йил декабрь 2022 йил давомида	Ўзбекистон Республикасининг Италиядаги Элчихонаси, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, алоқадор вазирлик ва идоралар
11.	ФАОнинг “Жануб-Жануб” (Хитой, Исроил, Туркия) қўшма лойиҳаларида Ўзбекистоннинг иштироки масаласини кўриб чиқиш.	1. Аниқ лойиҳа таклифларини ишлаб чиқиш. 2. Лойиҳа ҳужжатларини кўриб чиқиш учун ФАОга киритиш. 3. Ишлаб чиқиладиган лойиҳаларни белгиланган тартибда тасдиқлаш.	2021 йил декабрь 2022 йил март келишувга кўра	Ўзбекистон Республикасининг Италиядаги Элчихонаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, алоқадор вазирлик ва идоралар
12.	ФАО ҳузуридаги “Тупроқ бўйича глобал ҳамкорлик”да Ўзбекистон иштирокини фаоллаштириш.	1. Ҳамкорлик ва иш юзасидан алоқалар ўрнатиш. 2. Қўшма лойиҳаларни муҳокама қилиш ва ишлаб чиқиш. 3. Ишлаб чиқиладиган лойиҳаларни Ўзбекистоннинг манфаатдор вазирлик ва идораларига кўриб чиқиш учун киритиш.	2021 йил февраль 2021 йил октябрь 2021 йил декабрь	Ўзбекистон Республикасининг Италиядаги Элчихонаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, алоқадор вазирлик ва идоралар
13.	ФАО-Корея Республикасининг ўрмон ландшафтларини тиклаш бўйича ҳамкорлик дастури доирасида молиявий-техник кўмагини жалб қилиш.	1. Лойиҳа таклифларини ишлаб чиқиш. 2. Лойиҳа ҳужжатларини кўриб чиқиш учун ФАОга киритиш.	2021 йил сентябрь 2021 йил декабрь	Ўзбекистон Республикасининг Италиядаги Элчихонаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги,

Т/р	Тадбирлар	Амалга ошириш механизмлари	Ижро мuddатлари	Масъул ижрочилар
		3. Ишлаб чиқилмаган лойиҳаларни белгиланган тартибда тасдиқлаш.	келишувга кўра	алоқадор вазирлик ва идоралар
14.	Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги йирик халқаро тадбирларни Ўзбекистонда ўтказиш масалаларини ФАО, ҚХРХЖ, БООД билан ишлаб чиқиш.	1. Тадбирлар жадвалини муҳокама қилиш. 2. Тадбирларни Ўзбекистонда ўтказишни белгиланган тартибда келишиш. 3. Ижобий қарор қабул қилинган тақдирда Ўзбекистоннинг тадбирларни ўтказишга тайёрлиги тўғрисида ФАО, ҚХРХЖ, БООДни расман хабардор қилиш.	мунтазам мунтазам мунтазам	Ўзбекистон Республикасининг Италиядаги Элчихонаси, Ташқи ишлар вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, алоқадор вазирлик ва идоралар
15.	2021 йилда Бутунжаҳон озиқ-овқат саммити ишида Ўзбекистоннинг фаол иштирокини таъминлаш.	1. 2021 йилда Бутунжаҳон озиқ-овқат саммити бўйича БМТ Бош котибининг махсус элчиси билан иш юзасидан алоқалар ўрнатиш. 2. ФАО, ҚХРХЖ, БООД экспертлари билан биргаликда тавсиялар ва якуний ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича муҳокамаларда иштирок этиш. 3. Саммитни тайёрлаш тадбирларида иштирок этиш.	2021 йил февраль 2021 йил Январинг йилликда жадвалга мувофиқ	Ўзбекистон Республикасининг Италиядаги Элчихонаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, алоқадор вазирлик ва идоралар
16.	ҚХРХЖнинг мамлакат офисини Ўзбекистонда таъсис этиш масаласини ишлаб чиқиш. 	1. ҚХРХЖ раҳбарияти билан масалани муҳокама қилиш. 2. Ваколатхона очилиши тўғрисидаги Битимни ишлаб чиқиш ва келишиш. 3. Ваколатхонани очиш.	2021 йил март 2021 йил охиригача келишувга кўра	Ўзбекистон Республикасининг Италиядаги Элчихонаси, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги